

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 215 (10.268)

2004 ЙИЛ 4 НОЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● **БУГУН** Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси ҳамда матбуот маркази томонидан Тошкент шаҳрида сайлов кампанияси боришига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги «Оқибат» маҳалласида декабрда ўтказилган икки палатали парламентга сайловларга бағишлаб ўтказилган тadbир «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **БУГУН** Бектемир туман Марказий кутубхонасида «Бектемир» маҳалласи фаоллари, туман маданият бўлими вакиллари иштирокида «Мурувват ва ахиллик маскани» мавзюида тadbир ўтказилди.

● **БУГУН** Яққасарой туманидаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ташаббуси билан шахмат бўйича уюштирилган мусобақада ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари талабалари ўзаро беллашди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** 301-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган тadbир қизлар маънавиятини юксалтиришнинг муҳим омилларига бағишланди.

● **ШАЙХОНТОҲУР** туманидаги 180-мактабда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими ҳамда халқ таълими бўлими ҳамкорликларидан 12-14 ёшли ўқувчилар ўртасида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг футбол бўйича беллашувлари ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Транспорт

ЎЙЛОВЧИЛАР ХИЗМАТДАН МАМНУН

Кейинги йилларда пойтахтимизда йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш борасида 2519-автокорхона жамоаси томонидан анчагина ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда автокорхонада 11 та йўналишда 128 та автобуслар шахримиз аҳолисига хизмат кўрсатмоқда. Утган ойнинг ўзида улар томонидан 3 миллион 198,2 минг йўловчи ташилди ҳамда ойлик режа ортиги билан уддаланди. Эътиборли томони, жамоада хайдовчиларнинг қатъий жадвал асосида ишлашлари, муомала маданиятларини оширишлари борасида мунозам йиғилишлар ўтказиб турилади.

Маазкур корхонада олиб борилаётган қурилиш-обodonлаштириш, ўқув-тарбиявий ишларнинг барчаси 400 нафардан ортик ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилмоқда. Корхонадаги кийиниш ва ювиниш хоналари қайтадан замонавий таъмирланди ҳамда ўша ерда кишки оранжерея ташкил этилди. Жумладан, яқинда дам олиш



хонаси қурилиши тугалланиб, тўла жиҳозланиб ишчи-хизматчилар ихтиёрига топширилади. Жамоа ахлига эътибор, ғамхўрлик бор жойда иш ҳам унумли бўлади. Буни 2519-автокорхона мисолида ҳам кўриб туришимиз.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТДА: 2519-автокорхона ишлаб чиқаруш муҳандиси Исломбек Фузаилов (ўртада) хайдовчилар билан суҳбатда.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ҲАМКОРЛИГИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Шу кунларда Осие таракқиёт банки президенти Тадао Чино расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида меҳмон бўлиб турибди. Ушбу ташриф чоғида Ўзбекистон ҳукумати ва Осие таракқиёт банки умумий қиймати 164,2 миллион АҚШ доллари тенг бўлган тўртта қўшма лойиҳани молиялаш тўғрисида кредит битимини имзоласди.

Булар — «Бошоқли экинлар унумдорлигини ошириш» (26,0 миллион доллар), «Аму-Занг машина канали тизимини тиклаш» (73,2 миллион доллар), «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» (40,0 миллион доллар), «Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларини нашр этиш тизимини такомиллаштириш» (иккинчи боскич, 25,0 миллион доллар).

Шунингдек, хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича лойиҳаларда Осие таракқиёт банкининг ҳукумат кафолатларисиз иштирокини кўзда тутувчи ўзаро аниқлашув меморандуми ҳам имзоланди.

Меморандумга мувофиқ Осие таракқиёт банки бошқа сармоядорлар билан биргаликда Ки-чик бизнес ва хусусий тadbир-корликни қўллаб-қувватлаш бўйича Марказий Осие жамғарма-

сини ташкил этишга қўмаклашадди.

Осие таракқиёт банки мамлакатимизда кенг қўламли тузилмавий ислохотларни амалга оширишга ёрдам беришда халқаро молия ташкилотлари орасида етакчи ўринни эгаллайди.

1996 йилдан буён амалга ошириб келинаётган ҳамкорлик давомида Осие таракқиёт банки Ўзбекистонга транспорт инфратузилмаси, жиҳоз хўжалиги, базавий ва ўрта махсус таълим, сув таъминоти, кичик бизнес, соғлиқни сақлаш, энергетика каби иқтисодийнинг устувор тармоқларида 16 лойиҳани амалга ошириш учун 810 миллион АҚШ доллари ҳамда умумий қиймати 34 миллион долларга тенг 58 та грант ажратди.

Осие таракқиёт банки 2004 йилнинг октябрида Ўзбекистон билан ҳамкорлигини 2005-2006

йилларга мўлжалланган янги дастурини тасдиқлади. Унга мувофиқ аҳолини сув билан таъминлаш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, мактаблар, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг жиҳозлаш борасида ҳар йили 150 миллион долларгача бўлган миқдордаги 9 та устувор лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Марказий Осиеда минтақавий иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган Марказий Осие умумий бозорини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусига Осие таракқиёт банки раҳбарияти юқори баҳо берди ва бу ташаббусни амалга оширишда ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр эканини маълум қилди.

ЎЗА

XXI саҳоси

Барча маъблардан олтиган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Осие Тараққиёт банки президенти Тадао Чино Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Азимов ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳрида бўлди.

● Кеча Тошкентда Ўзбекистон ва Сибирь ўлкаси саноатчилари ва тadbиркорларининг форуми бошланди.

● Пахтабод тумани пахтакорлари 23320 тонна саноат хомашёси йиғштириб олиб, давлатга пахта сотиш шартнома-режасини бажардилар.

● Ҳарпай тумани пахтакорларининг илк ҳосили хорижлик ҳамкорларга етказиб берилди. Ва Ҳарпай толаси Женевада жойлашган «Ишбилармонлар ҳаракатида юқори сифат учун» халқаро жамғармасининг олтин медалига сазовор бўлди.

● Жиззах вилоят «Маънавият ва маърифат» марказида ёш сайловчилар иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда икки палатали парламентга ўтказилган сайловлар, фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқлари тўғрисида сўз борди.

● Ўзбекистонда фаолият юритаётган Британия Кенгаши ва Oration Мерсу ташкилотининг ташаббуси билан Хива шаҳрида сўзана тикиш маркази очилди.

● Оқ уй девони раҳбари Эндрю Кард Жорж Бушини президент сайловларидаги галабаси билан тadbирлади. Унинг маълумотларига кўра амалдаги АҚШ Президенти 538 сайловчида коллежисидан 286 овоз оlishга муваффақ бўлган.

● Афғонистон сайлов комиссияси мамлакат президентлиги учун бўлиб ўтган сайловда 55,4 фоиз овоз тўплаган Хамид Карзай ғолиб чиққанлигини маълум қилди.

● Бирлашган Араб Амирликлари президенти Шайх Зоид бин Султон Ан-Наҳаён узок давом этган оғир хасталикдан сўнг 86 ёшда ҳаётдан кўз юмди. Шу муносабат билан барча араб давлатларида 3 кунлик мотам эълон қилинди.

● Ироқда жангарилар томонидан инсонпарварлик ташкилоти ходимаси Маргарет Хасан гаровга олинди.

● Хитойда бундан 100 йил олдин Люхуангоуда жойлашган кўмир қонида вужудга келган ёнгини ўчиришга муваффақ бўлинди. Йилига 1,8 миллион тонна кўмирни йўқ қилувчи ёнгини ўчириш учун сўнги 4 йил ичида 12 миллион доллар сарфланди.

Сайловлар ва биз

26

декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайлов кун

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛИМИЗ

Жойларда сайловларга қандай тайёргарлик борапти?

Сайлов кампаниясининг айни пайтдаги босқичи белгиловчилардан бири ҳисобланади десак адашмаймиз. Бир томондан ушбу жараёнда депутатликка номзодларни кўрсатиш давом этаётган бўлса, бошқа томондан — сайлов участкалари, яъни сайловчилар овози мужассам этиладиган манзилларда комиссиялар таркиби шаклланиш бошланди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, сайлов жараёнининг асосий субъектлари сайловолди платформаларини тасдиқлаш ва Олий Мажлис ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодларни кўрсатиш бўйича ўз сўзид, конференция ва пленумларини ўтказиб, ҳозирда номзодларни округлар кесимида тақсимлаш билан машғул. Бу эса, яъни номзод қайси округдан кўрсатилиши ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Давоми 2-бетда.

Сийсий партиялар

ҳаётидан

**ШАҲАР
КЕНГАШИ
ПЛЕНУМИ**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг II пленуми бўлиб ўтди. Унда шаҳар Кенгашининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайловлар билан боғлиқ вазифалари кўриб чиқилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар кўрсатиш пленум кун тартибидagi асосий масала бўлиб, йиғилишда маъруза қилган Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи котиби Латиф Гуломов ўтган вақт мобайнида бошланғич партия ташкилотлари, туман кенгашларида номзодларни танлаш бўйича кенг кўламадаги ташкилий ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтди. Шунини айтиш керакки, шаҳар Кенгаши депутатлигига тавсия этилган номзодларнинг асосий қисми тегишли туман партия ташкилотлари томонидан киритилган ҳамда партия фаоллари иштирокида муҳокама қилинган. Улар катта ҳаётий таърибага эга кишилар бўлиб, ўз соҳаларида юқори малакали мутахассислар ҳисобланади.

Пленум катнашчилари кўрсатилган номзодларни кўллаб-қувватладилар.

Партия ташкилоти анжуманида шаҳар Кенгаши сайловолди дастурининг асосий сиёсий устуворликлари белгиланди, депутатликка номзодлар ва уларнинг сайлов командаларини жойларда сайловолди кампаниясини ташкил этишнинг амалий кўникмалари билан қуроллантириш йўл-йўриқлари ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз)

**ҚОНУНИ
БИЛГАН
АДАШМАС**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилларини амалиётга татбиқ қилиш ва бу борада қонун устуворлигини таъминлаш кўп жиҳатдан мулкдорларнинг қонун ҳужжатларини қанчалик билишларига боғлиқ.

Республика «Маҳалла» жамғармаси томонидан ўтказилган семинар-тренинг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»-ги ҳамда «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»-ги қонунларни ўрганиш масалаларига бағишланди.

Йиғилиш иштирокчилари маҳалла оқсоқоллари, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ҳамда уй-жой ширкатлари ходимлари ҳамкорликдаги фаолиятини асосий масала сифатида муҳокама қилишди.

«Туркистон-пресс».

1946 йилда ўз фаолиятини бошлаган ЮНЕСКОга 185 мамлакат аъзо. У жаҳон халқлари ўртасида таълим, фан ва маданият, шунингдек, ахборот соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари билан шуғулланади. Ташкилотга аъзо мамлакатларда ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссиялар тузилган. Улар мазкур соҳаларни ривожлантириш учун масъул муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Мамлакатимиз 1993 йилда ЮНЕСКОга аъзо бўлиб кирган. 1996 йилда ташкилот бош қароргоҳи жойлашган Париж шаҳрида Ўзбекистоннинг ваколатхонаси иш бошлади. Ўтган ўн бир йил мобайнида Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бормоқда.

1998 йили ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг 155-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташкилотнинг олий мукофоти — Абу Али Ибн Сино номидаги олтин медаль билан тақдирланди. Ташкилотнинг ўша вақтдаги Бош директори Федерико Майор мамлакатимиз раҳбари инсоний ғояларни тараннум этиш ҳамда маданий кадрятлар ва халқ меросини асраб-авайлаш йўлидаги улкан хизматлари учун шундай халқаро эътироф ва эҳтиромга сазовор бўлганини таъкидлади.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг Президент Ислам Каримов раҳнамолигида тарихий ёдгорликларимизни асраб-авайлаш, буюк аجدларимиз хотирасини тиклаш, меросини ўрганиш ва жаҳонга танитиш, халқимизнинг дунё цивилизациясидаги хизматларини ҳаққоний баҳолаш, миллий урф-

одатларимиз, аъналаримиз ва маданиятимизни тарғиб этиш борасида кўллаб хайрли ишлар амалга оширилди.

1994 йилда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, 1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги,

Бугун - ЮНЕСКО ташкил топаган кун

**ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАК
РОБИТАСИ**

Нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш мамлакатимиз ташки сиёсатининг муҳим йўналишларидандир. Бу борада Ўзбекистон ва БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатлар алоҳида эътиборга лойиқ.

1997 йилда Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик тўйлари, 1999 йилда «Алпомиш» халқ достони яратилганининг 1000 йиллиги, 2001 йилда «Авесто»нинг 2700 йиллиги, 2002 йилда Термиз шаҳрининг 2500 ва Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик тўйлари нишонланиши ана шундай улғувор ишларнинг бир қисмидир. Эътиборли томони шундаки, бундай тадбирлар ЮНЕСКО билан ҳамкорликда халқаро микёсда кенг нишонланди. 2005 йилда нишонланадиган Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйини ўтказиш тадбирларида ҳам бу ташкилот фаол иштирок этади.

БМТнинг «Мингйиллик саммити»да ташкилотнинг янги асрдаги фаолияти билан боғлиқ йирик дастур қабул қилинди. Унда ЮНЕСКО томонидан амалга оширилиши зарур вазифалар ҳам ўз аксини топган.

2003 йилда ташкилот томонидан

«Барқарорлик ва тараққиёт учун таълим 10 йиллиги» эълон қилинди. Бу борада мамлакатимизда ҳам қатор тадбирлар амалга оширилаёттир.

ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон миллий комиссияси котиби Алишер Икромов ЎзА мухбирига маълум қилишича, мамлакатимизда ушбу дастурда ўз ифодасини топган тадбирлар — аҳолининг тил ўрганиш имкониятларини кенгайтириш, маънавият ва маърифат йўналишлари бўйича таълимни ривожлантириш, фан-техника ютуқларидан янада кенг фойдаланишни таъминлаш каби вазифалар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Кўллаб ўзбек мутахассислари ЮНЕСКО хузуридаги Таълимни режалаштириш институтида малака ошириб қайтмоқда. Ташкилот қатор жамғарма ва ўқув юртлари билан ҳамкорликда юртимизда ахборот технологияларини ривожлантириш жараёнида фаол иштирок этаёттир. Шунингдек, Ўзбекистондаги ўлттизга яқин мактаб, гимназия, лицей ва коллеж ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар дастури доирасидаги тадбирларда иштирок этмоқда.

Ушбу дастур доирасида 2001 йили Ўзбекистонга ЮНЕСКОнинг «Тинчлик таянчи» мукофоти топширилди.

Ушбу халқаро ташкилот билан мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорлик билан йилга йилга ривожланиб, қамров доираси кенгайиб бораёпти. Зеро, ЮНЕСКО ўтмиш билан келажақ ўртасида ўзига хос бир робита вазифасини бажариб келаёттир.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси**

Сўрак

ШИФОБАХШ РАДИОПРЕПАРАТЛАР

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти ўзининг илмий-ишлаб чиқариш корхоналарига ҳам эга. «Радиопрепарат» деб номланган корхона бундан салкам ўттиз йил аввал барпо этилган эди.

У Ўзбекистон ва қўшни республикаларнинг қисқа паратларни ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Утган ишлар давомида корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати янада ортди, янги тех-

никалар билан жиҳозланди. Бу эса 70 дан ортиқ радио-препаратлар ва радиоактив бирикмалар тайёрлаш имконини берди.

Шуниси эътиборлики, бу хил маҳсулотларни чет мамлакатларга экспорт қилиш йўлга қўйилди.

Хар хил касалликларга ташхис қўйишга мослаштирилган радиоиммунологик препаратлар ҳам кўллаб ишлаб чиқарилмоқда. Улардан қон қуйиш станцияларида, касалхоналарда айниқса кенг фойдаланилмоқда.

Анвар ВАЛИЕВ

Кўرғазмачар

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ
АНЪАНАВИЙ
ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ**

Ўзбекистон Бадий академияси Замонавий санъат марказида «Риштон кўзагалари — Ашурали Йўлдошев, Қимсанбой Ғанижонов ҳамда шогирдлари» деб номланган кўрғазма очилди.

Мазкур кўрғазма «Ўзбекистоннинг анъанавий ҳунармандчилиги» туркумига кириб, унда, риштонлик сулолавий уста-қўзагалар — Ашурали Йўлдошев, Қимсанбой Ғанижонов ва уларнинг шогирдлари ишлари намойиш этилмоқда. Кўрғазманинг моҳияти шундаки, Риштон кулолчилиги Ўзбекистоннинг энг хушманзара водийси ҳисобланган Фарғонада пайдо бўлган. Ҳозирги кунда мазкур анъанавий санъат тури ривожланган кўринишга эга бўлиб, уларда услубий ягоналик, шаклларнинг эркин безаги, гуллар нақши, мовий ложувард ва феруз ранглارнинг мавжи ўз тасвирини топган.

Кўрғазмада усталарнинг сирли ва шу билан бирга анъанавий йўлининг Риштон ифодасини топган асарлар намойиш этилмоқда. Айниқса, мовий ранг билан ишланган идишлар ансамбли кишининг диққатини жалб қилмай қўймайди.


Дарҳақиқат, Риштон сополи охириги икки аср мобайнида ўзининг бетакрорлигини асло йўқотгани йўқ. Сулолавий анъанани давом эттириб келаётган ҳунарманд усталар, уларнинг шогирдлари 800 йиллик тарихга эга энг гўзал хусусиятларни маълум даражада сақлаб келишмоқда.

Кўрғазма 14 ноябрга қадар давом этади.

Юлдуз УСМОН

СУРАТЛАРДА: кўрғазмадан лавҳалар.

Шаҳноза Ашурова олган суратлар.



Хозир биз тарихий нукта назардан қизиқарли ва ўта масъулиятли даврни бошимиздан кечирмоқдамиз. Биз демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдек улкан вазифаларни олдимизга қўйдик. Бу борада жамиятимизда Юрлбошимиз раҳбарлигида катта қонунчилик, институционал ва бошқа ташкилий амалий чора-тадбирлар амалга оширилган ва ҳозирда ҳам олиб борилаётган.

Жиноят қонунчилигини либераллаштириш сиёсати — бу йўналишдаги яна бир дадил қадамдир ва суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг таркибий қисми сифатида тавсифланади.

Жиноят қонунчилигини либераллаштиришнинг асосий моҳияти ҳақида тўхталсак, бизнинг фикримизча, аввал-ламбор, қуйидаги ҳолатларга алоҳида урғу беришимиз керак.

Юридик амалиётда ўзини ижобий кўрсатаётган намоёндаларини имплементация қилишдир. Шунинг учун ҳам, ҳозирда бизда АКШ, Буюк Британия Ҳамдўстлигида, шунингдек, Германия, Франция, Швейцария каби мамлакатларнинг суд-ҳуқуқ соҳасида ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб берган учта институтлар: биринчиси — келишув институти; иккинчиси: — эҳтиёт чораси сифатида қамок билан боғлиқ бўлмаган, кўпинча пул гарови билан боғлиқ бўлган эҳтиёт чораларни таъминловчи институт; учинчиси эса, моддий жазоларни асосий жазо тартибидан кенг қўллаш амалиёти катта қизиқиш уйғотмоқда.

Тузумдан асорат сифатида қолиб кетган асосий элемент ва кўринишлари шунга айнаша мўҳтож. Шу боисдан ҳам, агарда жиноий жазоларни тайинлаш жараёнида ярашиш институти билан бирга худди АКШ амалиётига ўхшаб, келишув институти ҳам жорий этилиб, кенг қўлланилса бу ҳолда дастлабки тергов босқичи натижасида айбланувчи ва жабрланувчи ҳақ-ҳуқуқлари тенг ҳуқуқли таъминланган бўлар эди.

Ислохотлар оқишони

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Биринчидан, ҳозир кўпчилик мутахассислар ишлатаётган ибора, яъни «жиноий жазони либераллаштириш» деган сўзга қўшилиб бўлмайди. Чунки биз бошланган ишни фақатгина жиноий жазога эмас, балки жиноий қонунчиликни, умуман олганда, одил судлов жараёнини либераллаштириш масаласига қаратамиз. Биз муҳокама этаётган Қонун оддий, бир маротабалик кампания эмас, балки узок муддатга мўлжалланган сиёсатнинг биринчи қадамларидандир десак тўри бўлади.

Иккинчидан, биз бу қонуннинг асл моҳиятини ҳалққа тўғри ва малакали тушуштириб беришимиз даркор ва одамларда: ҳа, бу жиноий жазоларнинг муддатларини оддий пасайтирилиши деган сохта тушулча пайдо бўлишига йўл қўймаслигимиз керак.

Бунинг учун, бу қонун аслида нимага қаратилганига яна бир бор тўхталаш жоиз деб ўйлаймиз. Биринчи: жиноий жазо институтини либераллаштириш ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида демократия ва ҳуқуқий давлат тамойилларини қарор топтириш сиёсатининг бир узвий даври сифатида қабул қилиш ва буни яққол мисоллар билан асослаб бериш мумкин. Биламизки, демократия тамойилларидан бири, бу инсон ҳуқуқларининг дахлсизлигидир.

Хуқуқий давлат тушунчасининг ҳозирги замон тамойилларидан бири — давлат томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига таъвоуз қилмаслиқдир.

Давлатимиз раҳбарининг хуқуқни муҳофаза этиш органлари олдида турган асосий вазифа, бу — жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилиш эканлигига доир кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда, биз жиноятларнинг таснифига туб ўзгаришларни киритмоқдамиз ва эндиликда жазо тайинлаш механизми фақатгина адашганларни жамиятдан ажратиб қаратилмасдан, балки жамоатчилик кучи ва таъсири остида бу шахсларни яна тўғри йўлга қайтариш чоралари кенг қўлланишига хизмат қилиши лозим деган йўналишда иш олиб бормоқдамиз.

Жиноий жазоларга тортиш билан бевосита боғлиқ бўлган жавобгарлик масаласи ҳал этувчи дастлабки тергов ва суриштирув органларининг процессуал ҳатти-ҳаракатларига тегишлидир. Фикримизча, биринчидан айрим тоифадаги жиноят ишлари бўйича, масалан, ўрилик, гиванд моддаларини сақлаш ва ҳоказо жиноятлар бўйича суриштирув ва дастлабки тергов босқичлари (агар уларга инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг тинчлиги ва оқилолтига нукта назаридан қарасак ҳамда бу ҳаракатларнинг кўпи кейинчалик суд муҳокамасида такрорланишини инобатга олсак) ўзгариштириш лозимлигини таъкидлаш керак. Бу каби ишларни дарҳол суд мажлисининг ўзида ҳал этиш мумкинлигига ҳорижий амалиётлар додалат бормоқда. Бу билан ҳам катта микдордаги давлат маблағлари тежаллади ва энг муҳими, бу ишлар бевосита суд мажлисларида қонуний ҳал этилишига эришилади.

Жиноий жазо ёки умуман жиноий қонунчиликни либераллаштириш деганимизда, албатта, бу тушунчанинг асосини ташкил этувчи тузилмавий қонун-қоидаларни инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, инсонпарварлик қоялари нукта назаридан тафтишдан ўтказишди.

Жиноий судлов жараёни, айниқса, жиноий жазоларга тортиш механизмининг эски

Фикримизча, биринчидан айрим тоифадаги жиноят ишлари бўйича, масалан, ўрилик, гиванд моддаларини сақлаш ва ҳоказо жиноятлар бўйича суриштирув ва дастлабки тергов босқичлари (агар уларга инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг тинчлиги ва оқилолтига нукта назаридан қарасак ҳамда бу ҳаракатларнинг кўпи кейинчалик суд муҳокамасида такрорланишини инобатга олсак) ўзгариштириш лозимлигини таъкидлаш керак. Бу каби ишларни дарҳол суд мажлисининг ўзида ҳал этиш мумкинлигига ҳорижий амалиётлар додалат бормоқда. Бу билан ҳам катта микдордаги давлат маблағлари тежаллади ва энг муҳими, бу ишлар бевосита суд мажлисларида қонуний ҳал этилишига эришилади.

Иккинчи: қонун олдида қўйилган асосий мақсадлардан бири — бизнинг жиноий жазо институтига умуман жиноий қонунчиликка ҳақон

Юридик амалиётда ўзини ижобий кўрсатаётган намоёндаларини имплементация қилишдир. Шунинг учун ҳам, ҳозирда бизда АКШ, Буюк Британия Ҳамдўстлигида, шунингдек, Германия, Франция, Швейцария каби мамлакатларнинг суд-ҳуқуқ соҳасида ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб берган учта институтлар: биринчиси — келишув институти; иккинчиси: — эҳтиёт чораси сифатида қамок билан боғлиқ бўлмаган, кўпинча пул гарови билан боғлиқ бўлган эҳтиёт чораларни таъминловчи институт; учинчиси эса, моддий жазоларни асосий жазо тартибидан кенг қўллаш амалиёти катта қизиқиш уйғотмоқда.

Тузумдан асорат сифатида қолиб кетган асосий элемент ва кўринишлари шунга айнаша мўҳтож. Шу боисдан ҳам, агарда жиноий жазоларни тайинлаш жараёнида ярашиш институти билан бирга худди АКШ амалиётига ўхшаб, келишув институти ҳам жорий этилиб, кенг қўлланилса бу ҳолда дастлабки тергов босқичи натижасида айбланувчи ва жабрланувчи ҳақ-ҳуқуқлари тенг ҳуқуқли таъминланган бўлар эди.

Сергели туман ички ишлар бошқармасининг Хуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими фаолияти ҳақида ҳам юқоридаги каби илқ гапларни айтиш мумкин. Ушбу бўлим бугунги кунда тумандаги 33 та маҳалла, 5 та касб-ҳунар коллежи, 32 та мактаб, 37 та мактабга тарбия муассасаларидаги вояга етмаган ёшлар билан иш олиб бормоқда, уларнинг турли ноқонуий йўлларга кириб қолмаслиги, ОИТС, гивандлик каби умр заволи бўлган зарарли оғудан нари бўлишлари йўлида фаолият кўрсатмоқда.

— Туманда 59.600 нафар вояга етмаган ёшлар бор, — дейди биз билан суҳбатда Хуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлимининг катта ноэри, капитан Зоҳиджон Кабиржонов. — Уларнинг бўш вақтларини беҳуда ишларга сарфламаслиги, хуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, спорт билан шуғулланишлари учун имкон қадар яқин ҳамкорликни ўрнатганимиз. Хар бир ўтказилаётган тадбир, учрашув ва давра суҳбатларида иштирок этишга ҳаракат қиламиз. Айниқса, тарбияси оғир, ички ишлар профилактика рўйхатида турган вояга етмаганларга алоҳида эътибор қаратганимиз. Биз туман ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар комиссияси, «Қамолот» ЕИХ туман бўлими ва маҳаллалар билан биргаликда иш олиб борамиз. Мана яқинда оғоҳлик

ва ҳушёрликка бағишланган «Ўз уйингни ўзинг асра» мавзудаги тадбирни «Янги ҳаёт», «Оқибат» маҳаллаларида, Политехника коллежи, 7, 8-мактабларда ўтказдик. Уйлайманки, ушбу учрашув-

тарбияси оғир ўсмирлар рўйхатга олинган бўлса, улар билан мунтазам олиб борилган тарбиявий ишлар натижасида қанчаларининг ҳаётлари изга тушди. Масалан ота-онанинг беларволиги, фар-

да. Шу мактабнинг яна бир ўқувчиси Руслан Муштафин эса оилавий шароитдан келиб чиқиб ўқишга кела олмаган. Бизнинг бевосита вазиятни ўрганиб кўрган чора-тадбирларимиз, маҳалла томонидан моддий ёрдам берилгани боис унинг ҳам ўқиши тикланди. Бугун у синфдошлари билан бирга ўқиб юрибди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Туман бўйича ўтган йилга нисбатан содир этилган жиноятларнинг, вояга етмаганлар томонидан хуқуқбузарликларнинг сезилари тарзда камайганлиги меҳнатимиз махсуси десак адашмаймиз, албатта.

Қаерда тартиб-интизом, фойдалилик бўлса ишда ҳам илгарилар, олдинга интилиш, мақсадга етиш каби хайрли ниятлар амалга ошади. Эртасиз келажаги бўлган ёшларнинг соғлом, баркамол бўлиб вояга етиши йўлида виджонан иш олиб бораётган тартиб посбонларнинг заҳматли ишларида катта муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТДА: Сергели туман ички ишлар бошқармасининг Хуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлимининг катта ноэри, капитан Зоҳиджон Кабиржонов маҳалла фаоллари билан келгуси режалар хусусида суҳбатлашмоқда. Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

Мунчаларда МУНОСИБ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ

Тинчлик ва оқилолтилик посбонлари ҳамisha эл хизматиди. Уларнинг туғу кун чеккан заҳматлари туғайли қанчадан-қанча жиноятларнинг олдини олиш, йўлда ташган қимсалар соғлом турмуш тарзига қайтмоқда.



лар хар тарафлама фойдали бўлди. Талаба-ёшлар, мактаб ўқувчилари ўзларини қизиқтирган турли мавзудаги саволларга таниқли хуқуқшунос олимлар, прокуратура ходимлари томонидан тўлиқ жавоб олдилар. Шу йилнинг ўтган 10 ойи давомида 235 нафар

зандини ўз ҳолига ташлаб қўйгани, назоратнинг йўқлиги оқибатида 7-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Ирина Татарина мактабга умуман келмай қўйган эди. Ота-она билан ўтказган тушунтириш ишларидан сўнг айна кунларда Ирина мактабда ўқишни тиклаб, дарсларга мунтазам қатнашиб келмоқ-

Инсон ва қонун



Юртимиздаги тинчлик-оқилолтиликнинг сақланишида тартиб посбонларининг хизматлари беқийсдир. Айниқса маҳаллаларда хуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш бўйича иш олиб бораётган профилактика инспекторларининг ишлари ўзининг яқин натижаларини бермоқда.



биз билан тушунтириш ишларини олиб бормоқда; Собир Раҳимов туманидаги «Қорасарой» маҳалласи 208-милиция таянч пункти катта профилактика инспектори, капитан Фахриддин Кубаев, профилактика инспектори, катта лейтенант Даврон Исқандаровлар посбон Абдулла Расулов билан навбатдаги иш режасини белгилаб олмақдалар.

Нуктаи назар РУҲИЯТИМИЗ ВА ҚАЛБИМИЗНИ ПОКЛАСИН

Ўз хавфсизлигини таъминлай олмаган халқ қулликка маҳкумдир. Тарихий бу ҳақиқат қаерда унутилса ўша ерда ижтимоий силкини ва маънавий зўриқиш рўй беради. Оғир ва аччиқ бўлса-да, тан олишимиз керакки узок Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари миллиати, дини ва иркидан катти назар дунёдаги барча инсонларни, жумладан бизнинг қалбимизни ҳам бехад қайғуга солди. Бу қабохат, бу машъум жиноят нафакат қўшни давлат халқининг, балки барчамизнинг оқилолтиликка бўлган масъулият ҳиссимиз етарли эмаслигидан, қабиҳ ишларнинг олдини олишдаги лоқайдлигимиз туғайли содир бўлди.

субоқ беради устозларимиз. Дин-инсонга Аллоҳнинг туғфаси — уни олиш-оламаслик ўз ихтиёрида. Туғфа мажбуран берилмайди. Исломидаги ўзга дин вақилларига бағрикенглик тамойиллари ўз навбатида Республикаимиз Конституциясининг бир қатор моддаларида мустаҳкамланган. Диндор бўлишнинг, қайси бир динга эътиқод қўйишнинг зарари йўқ. Маърифатни, юксак инсоний сифатларни тарғиб этувчи динлар жамият раҳнаси, одамларнинг маънавий-ахлоқий поклиги учун хизмат қилиши умумэтароф этилгандир.

Фикримизча, биринчидан айрим тоифадаги жиноят ишлари бўйича, масалан, ўрилик, гиванд моддаларини сақлаш ва ҳоказо жиноятлар бўйича суриштирув ва дастлабки тергов босқичлари (агар уларга инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг тинчлиги ва оқилолтига нукта назаридан қарасак ҳамда бу ҳаракатларнинг кўпи кейинчалик суд муҳокамасида такрорланишини инобатга олсак) ўзгариштириш лозимлигини таъкидлаш керак. Бу каби ишларни дарҳол суд мажлисининг ўзида ҳал этиш мумкинлигига ҳорижий амалиётлар додалат бормоқда. Бу билан ҳам катта микдордаги давлат маблағлари тежаллади ва энг муҳими, бу ишлар бевосита суд мажлисларида қонуний ҳал этилишига эришилади.

Дин инсоннинг руҳияти, қалбини поклаш учун керак. Хар ким истаган динга эътиқод қўйиши ёки ҳеч қандай динга кирмаслиги мумкин, — деб

Маққулоб ЁШ ҲУҚУҚШУНОСЛАР МАРКАЗИ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Бугунги кунда ёшларнинг хуқуқий маданиятини ошириш, хуқуқий онгини ривожлантириш ҳуқуқимизнинг доимий эътиборида. Шу маънода Тошкент шаҳар хуқуқшунос талабалар жамоат биришмаси, Тошкент шаҳрининг олий ўқув юртини (Тошкент Давлат юридик институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, Ўзбекистон Миллий университети) хуқуқшунос-талабалари томонидан 1999 йили тузилган эди. Ташкилот Низомига кўра, жамоат биришмасининг асосий мақсади аҳолининг хуқуқий билими, хуқуқий маданияти ва онгини, ошириш, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш роғсини тарғиб этишда иштирок қилиш учун талаба ва амалиётчи хуқуқшунослар ҳаракатларини биришлатириш, давлат ва ҳуқуқимизни дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этишдан иборатдир.

Маълумки, мамлакатимизда 13 йил давомида ёш авлод тарбиясининг ўзига хос концепцияси тузилди. Ушбу концепция хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини яратишга қаратилган. Қолаверса, у Президент асарлари ва ривожланаётган қонунчилигимизда ўз аксини топган. Лекин қонунчиликдаги ёшлар хуқуқларини амалга оширишда ҳамда мажбуриятларини адо этилишига амалий, назарий аҳамиятга молик бир қатор камчиликлар туққинлик қилмоқда. Сир эмаски, бунинг асл сабаби ёшлар томонидан хуқуқий саводхонликка кам эътибор қаратилаётганидир. Шу боис мамлакатимизда мактаб ўқувчилари, талаба-ёшлар орасида хуқуқий билимларни тарғиб қилувчи муассасу ташкилотлар фаолиятини кучайтириш эҳтиёжлари сезилмоқда.

Ана шу эҳтиёжлар асносида Тошкент шаҳар хуқуқшунос-талабалар жамоат биришмаси «Ёш хуқуқшунослар» хуқуқий ресурс маркази ташкил этилди. Марказ ўз фаолиятини бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Ҳозирда марказ фаоллари ва ишчи гуруҳи «Бунёдкор» ёшлар телеклуби билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Марказ ходимлари юқорида қайд этилган олий ўқув юртиларининг хуқуқий маслаҳатхоналарида катта таж-

Хуқуқ ЗАРУР МАСЛАҲАТЛАР ОЛАСИЗ

Тошкент Давлат юридик институти қошида Инсон хуқуқлари бўйича юридик клиника 2002 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ушбу клиника ўз ваколати доирасидаги масалаларни кўриб чиқди ва имкониятдан келиб чиққан ҳолда ишнинг ҳолатига ва клиника талабаларининг вақтига қараб бепул юридик маслаҳатлар беради. Маслаҳатлар Тошкент Давлат юридик институти инсон хуқуқлари юридик клиникасида таълим олувчи талабалар томонидан халқор бичимлар ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига асосланган ҳолда берилади.

Клиникамизга шу кунга қадар 475 нафар фуқаро турли масалалар бўйича мурожаат қилди, — дейди биз билан суҳбатда Инсон хуқуқлари бўйича юридик клиника офиси менежери Гаўҳар Қазқабоева. — Биз имкон қадар хар бир савол бўйича ёзма равишда тўлиқ жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Клиникамизда малакали хуқуқшунослар — Шухрат Тоҳиров, Галина Майорова иш олиб борадилар. Бизнинг ваколатимизга сайлов хуқуқларининг бузилиши, меҳнат хуқуқининг бузилиши, паспорт режими бўйича мансабдор шахсларнинг хуқуқбузарликлари, прописка олишда ноқонуий рад этилиш ҳолатлари, рўйхатга олиш, яшашга рухсатнома бериш, фуқаролик тўғрисидаги қонунчиликда мансабдор шахсларнинг хуқуқбузарликлари, четта чиқиш визасини беришда ноқонуий рад этиш, турар жойга бўлган хуқуқнинг бузилиши, жиноят процесси ва маъмурий иш юритиш иштирокчилари ва бошқа йўл билан жалб қилинган шахсларга хуқуқий маслаҳат бериш каби қатор 13 банддан иборат ишлар қиради. Биз ваколатимиздан ташқари бериладиган саволларга қаерга мурожаат қилиб жавоб олишлари мумкинлиги ҳақида маслаҳат беришимиз. Шу кунгача 60 нафар талаба клиникамизда таълим олди.

Мақсадимиз талаба-ёшларнинг хуқуқий саводхонлигини ошириш, хар бир мурожаатга ваколатимиз доирасида бепул маслаҳат беришдир. (Ўз муҳбиримиз)

Салоҳиддин САНОЕВ, Тошкент Ислам университети 4-курс талабаси. Хидирали ПАНЖИЕВ

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганиб домо бўлур...

● Кимки яхшиликни касб қилишга интилса, яхши мактовларга сазовор бўлади.

Айтди: Қанчалик куч-қувватга эга бўлмагин, душман билан доимо тинчлик йўлини ихтиёр қил.

Айтди: Агар дўст сендан насиҳатини аяса, айтиш зарур бўлган нарсани айтишда мужмаллик кўрсатса, айбалирдан сени оғоҳ қилмас, бундай дўст алоқани узши ва ундан узоқлашишга сазовордир.

● Мулоимлик қуввати билан газаб оловини сўндиролган киши ҳаққий мактов ва олқишга лойиқдир.

● Газаб ўт олганда мулоимлик кўрсата олиш ва гурурини синдира олиш ақлли кишиларнинг саломатлиги ва омонлиги боисидир.

● Уч нарса уч нарса билан бирга бўлмайди: оққўзлик билан ҳалоллик, газаб билан меҳрибонлик, лакмаллик билан ростгўйлик.

● Ҳикмат бир даррахти, у кишининг юрагидега ўсади, меваси эса тил орқали тўқилади.

● Кимки узок яшашни хоҳласа, юрагини тинчлик ва мусибатларга қарши шў тугиши керак.

● Кимки бошқалар ҳаётидан ибрат олса, унинг ҳаётидан бошқалар ибрат олади.

● Бемор учун таому ичимликлар ёқмагани каби дунё муҳаббатига муштобо бўлган кишининг юрагига панду насиҳат фойда бермайди.

Байт:

Фафлат йўлида юрувчилар насиҳатга қайдай қилсин, Уйку бандаларни овоз қачон бедор қила олар?

● Бу дунёдаги яхши ишлар у дунёни сотиб олиш учундир. Хар қимда ақлдан насаба бўлса, ёмонлар билан ўлфатлик, олимлар билан дўстлик, риёкорлик билан яқинлик ҳамда жудо зулми боқий эмаслигини билади.

● Кемачи дуч келган шамол билан кемани ҳайдавмаслиги, оқил киши кўнглига ҳар бир ўй билан шу тавармаслиги керак.

● Жонимни дунёга гарқ одамдай тут, гарбиларни эса иззат қил.

● Кеманич қўқиб кетиши мумкинлиги ҳақида ҳали у тинч кетаётган пайтда уйла!

● Одамлар интизмаслиги лозим бўлган нарсалар нима? — сўрадилар Бузруғмеҳрдан.

— Нокасларнинг мактовини эшитмаслик ва пасткаш кишилардан умид қилмаслик. — деди у.

— У дунё ва бу дунёни нима билан топиш мумкин? — деб сўрадилар.

— Яхшилик, илм ва тўғрилик билан! — деб жавоб берди у.

— Надомат чекувчи ким?

— Шоқалок ва ўзбилармон! Ҳа, ўзбилармон меъмор турган бинонинг девори.

Дано пушаймонлик ичида бўлади.

— Зое ўтган умр қалта? — деб сўрадилар.

— Бировга яхшилик қила олиш мумкин ичида қилмаган умр! — деди у.

— Доноликка оро берувчи нима? — деб сўрадилар яна.

— Тўғри фикр! — деди у.

— Шиховат нима? — деб сўрадилар.

— Узр сўрай олиш! — деди у.

— Қайси ҳунар энг яхши? — деб сўрадилар.

— Илм ҳунари! — деди у.

— Ким билан дўст бўлиш керак?

— Ҳасаддан узок юрган киши билан!

— Ақлли кишилар қимдан эҳтиёт бўлишлари керак? — деб сўрадилар.

— Олий лаганбардордан ва хасис бойдан!

Ўзбек адаблари — «Оқшом» учук

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

...Исмоил кўзини очганида, ўзини кўл-оёғи боғланиб айвоннинг бир четига шолгага ўралиб ётган ҳолда кўрди. Эс-ҳушига келгунча кўздан қақасроқ ерда ётсин, дейишган шекли...

Ховлида одам кўп, ҳамма қандайдир ташвиш билан банд... "Норбўтаҳон Тўрани кўмишга келганлар... — ҳаёлидан ўтказди у. — Хали замон жаноза ўқилса керак. Шунга тўпланишмоқда. Хайрият, ниятига етди. Энди бошлиғимдан тахсин эшитишга, валад... Энди ўзи минг танга уники бўлади, чунки камоққа ташласалар ҳам, унга чўт эмас. Авваллари бўлганидек, девор төшиб, ё лаҳм қазиб қочиб кетади. Қочиб ҳақат бўптими Исмоилга?..."

Мана шундай ҳаёллар билан ўзини овутиб, ҳушсиз кишидай ётаркан, кўз кири билан ховлида бўлиб турган ишларни — ким келди, ким кетди, ким нима қилмоқда, — барини кузата бошлади.

Бироздан кейин ғалати қутилмаган ҳол юз бердики, қирғил қотил умрида бунақасини чиндан ҳам хали учратмаган эди.

Исмоил беихтиёр дарвоза томонга кўз ташлади-ю бошидан муздай сув қўйиб юборгандек бутун аъзои бадани қакшаб кетди! Унингдан туриб кетишига оз қолди! Не кўз билан кўрсинки, дарвозадан кечаси ўзи сўйиб ташлаган Норбўтаҳон Тўра савлат тўқиб кириб келарди... Тушимми, ўнгимми? Норбўтаҳон Тўра ми шу? Агар шундай бўлса, у ҳолда кечаси ўлдиргани ким бўлди? Агар ўлдиргани Норбўтаҳон Тўра бўлса, ана бу дарвозадан беамал кириб келаётган ким?... Уқасимкин?... У ҳеч нарса тушунмади, кўз олди қоронғиласи тибелбана бошлади-да, яна ҳушдан кетди...

Воқеа бундай бўлганда, бир кун олдин Норбўтаҳон Тўранинг уйига икки томондан меҳмонлар келиб қолди — бир неча киши Маймандан, бир киши Туркистондан, узок қариндошлардан бири. Пешин намозини ўқиганларидан кейин, Норбўтаҳон Тўрага бирдан, унинг гирмон мошинини ҳайдовчисига Хиндистон томонга олиб қонганини хабар қилдилар. Норбўтаҳон Тўра меҳмонларга узр айтиб, мана уй, бемалол дам олиб турасизлар, мен мошинни қайтариб келаман, тез қайтаман, деди. То мошин топилгунча кеч кирди, тонг ҳам отди...

Кечқурун ётар маҳали туркистонлик меҳмонга ҳурмат изасидан Норбўтаҳон Тўра хонасига жой солиб бердилар. Олис йўлдан ҳориб келган меҳмон боши ёстикка тегиш-ю қаттиқ уйкуга кетди. Ярим кечаси кўзи қонга тўлган хонага кирган Исмоил кўрага ўралиб ётган туркистонлики Норбўтаҳон Тўра деб ўйлади ва қўйдай бўғизлаб ташлади...

Бу воқеа шов-шув бўлиб кетди.

Исмоил ишини маҳмада кўриб чиқиб, уни умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилди. Қирғил қотил, хуллас, айланиб-айланиб Демазанг зиндонига тушди. Қамоқда Туркистондан эканлигини билиб унга биров ачиди, биров, юртдошнингга қўлқўтарибсан, бундан баттар бўл, дея лаънат сўзларини айтишдан тортинмади.

Яқингидан падари бузрукворини қабрга қўйиб мусибат ичра қолган Норбўтаҳон Тўра ўзига нисбатан уюштирилган сўксасдан парвардигор омон-эсон сақлаганига шуқурлар қилди. Исмоилнинг қамоққа тушгани, бир ёмондан асрагани унга Аллоҳнинг буюк меҳрибончилиги эди. Лекин бу ишга ҳеч алоқаси йўқ қариндошининг тасодифан нобуд бўлиши кўнглини қайғуга чулғади. На чора, ўтган ўтди, қолган қолди...

Норбўтаҳон Тўра шахид кетган қариндошининг дафн маросимларини ўтказди, кейин ет-тиси, йигирмиси, қирки бўлди...

ДЕМАЗАНГ ҲИБСХОНАСИ

Бор-йўғи уч кун олдин дийдорлашганларига қарамай, Норбўтаҳон Тўранинг негадир Саид Маҳмудхон Тўрани кўргиси келиб қолди ва эйерат этиб келай деб унинг ховлисига йўналди. Ховли Қобулнинг шимол томонида бўлиб, ун танобча бог-роғ ердан иборат эди.

Норбўтаҳон Тўра катта мударрис уйда қутилмаган бесаранжомлик устидан қичиб қолгандан бағоят хайратга тушди. Саид Маҳмудхон Тўра одатгаддек хотиржам кўринар, аммо бу хотиржамлик тағди улкан сабр-тоқат ётгани сезилиб турарди.

— Нима ган? Тинчликми, тўрам? — сўради Норбўтаҳон Тўра ховли юзиде йиғиб қўйилган тугун-пугунларга ишора қилиб.

— Тинчлик, тинчлик... — Худди кўчиб кетаётгандек нарсаларни йиғиштириб қўйибсизлар?... — Саҳобалардан бири пайғамбари саллаллоҳи алайҳи вассалламдан энг яхши маслаҳат беришларини сўрабди. — деди маюс жиммайиб Саид Маҳмудхон Тўра. — "Кўнглингизни чўқтирмангиз", — деб жавоб берибди Расуллиллоҳ. Саҳоба иккинчи марта сўрабди. "Кўнглингизни чўқтирмангиз", — жавоб қилибди яна Расуллиллоҳ. Асил маслаҳатни энди олсам керак, деб ҳаёл қилган саҳоба учинчи марта сўрашга журъат этибди. Бу гал ҳам Расуллиллоҳ, "Кўнглингизни чўқтирмангиз", — деган сўзлардан бошқа ҳеч нарса демабди. Шундангина саҳоба энг асил маслаҳат ушбу содда сўзларда мужассам эканлигини англаб

бу жойни олса олсинлар. Бизлар ризодурмиз. Орага жимлик чўқди. — Бу ерда қоса тағида нимқоса ўйнаб турибди, тўрам! — оҳиста, сирли қилиб деди Норбўтаҳон Тўра. — Ҳа, сиздан ўч олмақнинг бир йўли... — Худди шундоқ, англаб етдингиз... — Янги берилган жой қаерда экан? — Муродхонни маҳалласида. Узим танладим. Қобул дарёсининг бўйида, Ҳабибияга яқин. Икки-уч хонали уйи бор ховли... Кифоя қилур.

...Саид Маҳмудхон Тўра Муродхонни маҳалласига кўчиб ўтганидан кейин бир ой ўтар-ўтмас, "қоса тағидаги нимқоса" тагин уйин кўрсатишга турди. Бир кун баланд бўйли посли бошлиғи бир неча одамлари билан тақаллуф-сизиларча уйга кириб келди. Қўлида ҳозиқул хузоотнинг Саид Маҳмудхон Тўрани хибсга олиш ҳақидаги буйруғи турарди.

— Буйруқингизни бир кўрсам бўладими? — сўради хотиржам катта мударрис.

— Буйруқ бизга берилган, сизга кўрсатиш учун эмас, тақсир... — совуқкана жавоб берди посли бошлиғи. — Сизни олиб кетгани келдик.

"Бандаси пешонада Борини кўради, — ўйлади Саид Маҳмудхон Тўра. — Тақдир билан олиши бўлмас. Майли, Аллоҳ ўз паноҳида асрасин... Арзадоштини тинглагувчи қани... Тинглагувчининг ўзи шу ишларни қилмоқда-ку!"

Саид Маҳмудхон Тўра кўз ёшлари қуйилиб келаётган Фуломи Лўла Юсуфбой билан хайрлашар экан, "Аҳмадхонга эҳтиёт бўл, Лўла! Сабр қил! Теъза қайтаман!..." деб уни юпатди, ҳеч нарсани тушунмаган ўғилчаси Аҳмадхонни бағрига босиб, пешонасидан ўлади-да, посли одамлари қуршовида уйдан чиқиб кетди... Бораркан, раҳматли, жойлари жаннатда бўлур Саид Акрамхон Тўранинг бу мусофир юртда бамисли чинордан соябон эканликларини, у кишининг қанотлари остида яланг давронда эмин-эркин юрганликларини яна бир бор эслади. Ҳа, шундоқ, биров туркистонликларнинг мушгунни пишт, демасди. Энди Саид Акрамхон Тўра йўк...

— Худу ўз паноҳида асрасин! — илтижо қилиб қолди эшматқори Лўла Юсуфбой.

"Дорулмуаллимин"нинг катта мударрисини ҳеч қандай сўроқ-жавобсиз Демазанг хибсхонасига ташладилар. Қамоқхона назоратчисидан, нима учун уни зиндонга солдилар, билса бўладими, деб сўраган эди, у: "Тўра Соҳиб, ҳали ишингиз юқорида қўрилатган экан..." дейишдан нари ўтмади.

Фалокат оёқ остида деганларидай, ўз ташвиши ўзи билан бўлган Саид Маҳмудхон Тўрани яна бир бало кўтиб турарди. Лекин ҳамма уни ўзидай қўрадиған, ишонувчан Тўра Соҳиб чиндан ҳам оёқ остидан қичиб қолган бу балодан мутлоқ беҳабар эди.

Норбўтаҳон Тўрани ўлдирман, деб ўзи умрбод қамоқ жазосига дучор бўлган қотил Исмоил кўнглида тўраларга нисбатан қаттиқ кек, ўч, алам тўйуғлари бижғиб ётарди. Агар қамоқдан соғ-саломат қичиб олсам, тўраларни битта қолдирмай қичиб чиқаман, ҳаммаси рўйхатимда бор, деб ниёт қилгани у. Аламу қасос ҳисси уни ич-ичидан ана шундай кемириб ётган бир пайтда тўраларнинг машхур вақили қамоққа тушгани қулқоқ чапинди...

"Дорулмуаллимин" катта мударрисининг хибсга олинганини кўрган мабуслар ичлариде унга ачидилар. "Наҳотки, Тўра Соҳибдек худу алқанг эрт хибсга олинишга лойиқ бир иш қилган бўлсалар?..." — Ҳаммани мана шу нарса ўйлантирарди. Барчаси охири шундай фикрга келдиларки, Тўра Соҳиб англашilmовчилик оқибатида ёки тумхат орқасидан қамоққа тушиб қолганлар ва теъза орада овоз этилишларига асло шайба йўқ...

Қулай пайтини пойлаб юрган Исмоил ниҳоят бир қарорга келди. У Тўра Соҳиб юриштиришини зимдан қузатиб билдики, Тўра Соҳиб ҳар кун эрталаб таҳоратга сув олгани ховли юзига чиқади, хонасига қайтганда баланд зинадан тушиб келади. Исмоил зинанинг остида писиб ашириниб туради ва орқадан билдирмай келиб тош билан Тўра Соҳиб миёсига солади... Норбўтаҳон Тўрани ўлдирмоқчи эди, бўлмади, энди унинг ўрнига Тўра Соҳибни тинчитади... Исмоил ўзининг режасидан мамнун бўлди. Лекин ақсига олиб, тош йўқ, умуман тош, пичоқ, темир, болта, теши дегандай нарсалар анқога шафе эди. Ниҳоят ховлига чиққанда тимирқисқаниб юриб чўроқ бир тош топди ва энгининг ичига солиб олди.

(Давоми бор)

Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ ёзувчиси АБАДИЙ СОҒИНЧЛАР РОМАН-ХРОНИКАДАН БОБЛАР

етибди... — Не муҳтожлик юз бердики, Расули акрам қаломларидан мадад истаб қолдингиз? — Ҳа, чиндан ҳам кўчаётирмиз, тўғри айтдингиз, Тўра Соҳиб... — Кўчаётирмиз? Ё раббий! Энди бу ташвиш бормиди?... Нима учун? Бу жойдан ҳам яхшироқ жой бор эканми? Узингиз бог-роғ қилдингиз, бу ерга озмуңча пешона тери тўқдингизми? — Норбўтаҳон Тўра ҳеч нарсани англай олмай лол эди.

— Э, гап билан бўлиб ўтиришга ҳам тақлиб этмабман, — хижолат бўлиб деди Саид Маҳмудхон Тўра, — Узр, узр... қани сўрига ўтирайлик.

Улар гулзорнинг ўғи томонидеги хизматкор Лўла Юсуфбой тўшақлар солиб орасталлаган сўрига ўтирдилар.

— Узингиз яхшимисиз, ортиқча ташвишлардан фориғ бўлиб олдингизми? — Худого шуқур. Жумла мўминлар қаторида...

— Бизнинг қисса, алқисса... — деди Саид Маҳмудхон Тўра.

Раҳматли Саид Акрамхон Тўра, муҳтарам падари бузрукворимиз, Мадинаи Мунавварадан янги келган вақларимиз, катта бошларини кичик қилиб бизни етаклаб подшо амири шахид Ҳабибуллоҳон хузурига олиб киргандилар. Подшо, жойлари илоё жаннатдан бўлсин, ушбу ховли-жойни номинимизга иктаъ қилиб бермиш эдилар. Шу ерда Аллоҳга шуқурлар қилиб тирикчилик аросисини юргизиб келаётгандик...

— Шундай эди, шундай эди, тўрам... — тасдиқлади Норбўтаҳон Тўра. — Эшиттандим...

— Ана энди... Яқинда подшо Амир Омонulloҳон девонидан бошқа фармон келди. Фармонни ўқиб қўйдим. Унга қўра, бу жойлар пошшоликка мансуб хос жойларга қирармиш. Хос жойларда фақат подшо хонадонидан бўлган кишилар — амирлар, шахзодалар ва ҳоказолар ашашлари мумкин экан. Бир пайтлар Амир Ҳабибуллоҳон томонидан берилган иктаъ фармони мавжуд низомга хилоф равишда тайёрланган эмиш, бу жойлар авом халққа берилмас эмиш. Адалатни тиклаш маъносиде бизга Амир Ҳабибуллоҳон томонидан берилган ҳужжат бекор, деб ҳисобланади ва инчунин биз бу жойни пошшоликка қайтариб топширишимиз керак... Бу ерлар эса тайёрагоҳ майдони бўлар эмиш... Ахир мен шунча йил солигини тўлаб келдим-ку?... Бу ёғи нима бўлади?... Шундай десаам, ҳеч қулқол солмайдилар.

— Ё раббий! Отасининг фармонини бекор қилибдими?

— Шундоқ бўлибди... — Саид Маҳмудхон Тўра бош тебратиб тасдиқлади. — Сиз уни айтасиз. Бу фармон экан-ку, отасининг ўзини шахид қилдириди-ку... Ҳай, афсусл! Мана шунинг учун кўчишга қарор қилдик. Подшо одамлари хар дамда, кўнглингиз, тезроқ бўлингиз, деб келишиб хол-жонимизга қўймайдилар...

Масаланинг моҳиятини англаб ётган Норбўтаҳон Тўра бироз жим қолди.

— Қаерга кўчаётирсиз? Бирон жой беришдими?... Агар жой бўлмаса, бизнинг ховлида бир уйни ажратамиз! Бу жойдан ҳеч ким қувиб чиқара олмайди, зеро бобомиз Бобур Мирзо жойлари...

— Ташаккур... — Саид Маҳмудхон Тўра жиммайди. — Худого шуқур, жой кўп. Муридларимизнинг хар бири уйини беришга тайёр... Лекин бизга булбулнинг қанотидеги кичик қулба бўлса ҳам расман пошшолик томонидан берилгани маъқул. Узингиз тушунаси... Майли,

Шарҳовчи тибари

АҚШ: РАЗВЕДКА ИСЛОҲОТЛАРИ

АҚШда махсус хизматлар тизimini ислоҳ қилишда муаммолар пайдо бўлмоқда. Аниқроғи, Оқ уй ва мамлакат қуролли кучлари ўртасида зиддиятли қарашлар юзага келаяпти.

Маълумки, 2001 йил 11 сентябрда содир этилган террорчилик ҳаракатлари бўйича тергов юртинган махсус комиссия аъзолари миллий разведка хизмати директори лавозимини таъсис этиш тақдирини илгари сурганди. Бундан кўзланган асосий мақсад мамлакатдаги барча махсус хизматларнинг террорчиликка қарши курашда ҳамкорликда ишлашини таъминлашдир.

Миллий разведка хизмати директори вазири макомига эга лавозим бўлади. Директор зиммасига мамлакатдаги барча махсус хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш вазифаси юкланади. Таъкидламоқ жоизки, 1947 йилдан буён ушбу вазифани АҚШ марказий разведка бошқармаси бажариб келмоқда.

Янги маҳкамага, шунингдек, барча разведка хизматлари учун ажратилган маблағларни тақсимлаш ва назорат қилиш ваколати берилиши режалаштирилган. Мудофаа вазириликнинг норозилигига шу жиҳат сабаб бўлмоқда. ПАТА-ТАСС хабарига қараганда, АҚШ хавфсизлик идоралари бюджетдаги маблағнинг тахминан 75 фоизи ҳарбий разведка хизматларининг эҳтиёжи учун сарфланар экан. Уларни эса бугунги кунда Пентагон назорат қилади.


Ўтган сешанба куни АҚШ мудофаа вазирилик штаб бошлиқлари бирлашган кўмитаси раҳбари генерал Ричард Майерс мамлакат конгрессининг вакиллар палатасидаги қуролли кучлар ишлари бўйича кўмита раиси Данкен Хантерга мактуб йўллаб, миллий разведка хизмати директори лавозими жорий этилишидан норози эканини маълум қилган.

Р.Майерснинг фикрича, ҳарбий разведка бошқармалари қўшинлар билан бирга ишлайди ва шу боис уларнинг бюджетини назорат қилиш ваколати Пентагон ихтиёрида қолиши зарур. Ушбу маҳкамаларга тегишли маблағнинг бошқа вазирилик томонидан тақсимланиши АҚШ қуролли кучларининг жанговарлик қобилияти пасайишига олиб келиши мумкин.

Президент Жорж Буш эса, миллий разведка директори лавозимини таъсис этиш зарур, деган фикрда. Бирок бу борадаги қонуннинг конгресс томонидан тасдиқланиши анча мураккаб кечishi мумкин.

Чунки хабарларга қараганда, кўпал сенатор ва конгрессменлар Оқ уй эмас, Пентагон раҳбарияти фикрини маъқулламоқда.

Нодирбек ЎЛЖАБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.



Болажон шодлиги— она қувончи.



Қизлар давраси мисли гулдаста.

Юртимизда оилга эътибор йил сайин ошиб борапти. Хар йили оила ва давлат манфаатлари уйғун келадиган, барча соҳаларни қамраб оладиган дастурлар тайёрланади. Тошкент Давлат педагогика институтида «Оила муаммоларини ўрганиш лабораторияси», унинг негизда Республика «Оила» илмий-амалий маркази ташкил этилди. Улар исчил иш олиб бораётгани қувончлидир. Бизнинг кўп йиллардан бери оила, никоҳ, бола тарбияси масалалари билан шугулланиб келадиган оlima, фалсафа фанлари номзоиди, доцент Фарида Сафназарова билан суҳбатимиз ҳам оила мустаҳкамлиги асослари, унда фарзанд тарбияси масалаларига бағишланди.

— Фарида опа, таъбир жоиз бўлса оилани чашмага ўхшатгим келадди. Фарзандлар шу чашманинг обиҳаёти. Биз барча оилалар бахтли-саодатли бўлсин деймиз. Бунинг асосий сабаблари нимада?

— Биласизми, сабаблари жуда кўп. Оила бузилиши ҳамма учун — эр-хотиннинг ўзига ҳам, айниқса болалар, жамият учун кўнгилсиздир. Агар биттагина оила бузилса ҳам жамиятнинг муҳим қисми йўқолади. Афсуски, мамлакатимизда ажралган никоҳлар сони ҳали ҳам юқори. Эр-хотиннинг ажралиш сабаблари ичиди худбинлик, бошқа тарафнинг манфаатларини тўла инкор этиш, ичкиликбозлик, болалар ва улар тарбиясига бефарқ муносабатда бўлиш, масъулиятсизлик ва кўполик каби қусурларни санаб ўтиш мумкин. Бу иллатлар ва камчиликларга қарши кураш фақатгина оилани мустаҳкамлаш ва тақомиллаштириш орқалигина бўлиши мумкин.

Давлатимиз оила ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Оила — бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилди, чунки Конституцияимизнинг XIV бобида «Оила жамиятнинг асосий қисми ҳисобланади» деб ёзилган.

Хозирги ёшлар кўпинча оилавий ҳаётга эрта қадам қўймоқдалар. Уларнинг аксарияти эса оила қуриш — бу икки кишининг шахсий иши деб фикрлашади. Бирок никоҳ учун фақат муҳаббатнинг ўзи кифоя қилмайди. Никоҳ қайдномасини кўлга олгандан бошлаб келин-куёвларнинг бир-бирлари олдиди ўзига хос ҳуқуқ ва бурчлари пайдо бўлади.

Никоҳнинг қайд этилиши — бу шунчаки қоғозбозлик эмас, балки муҳим ҳаётий, ҳуқуқий тадбирдир. Ушбу тадбир турмуш қураётган шахсларга тарбиявий таъсир этиб, уларда жамият олдиди оила учун, унинг равнаки учун масъулият ҳиссини оширишга хизмат

қилади. Айнан ана шу қайд қилинган вақтдан эътиборан, демак, оила ташкил бўлгандан бошлаб давлат уни ўз ҳимоясига олади. Никоҳ давлат ва ижтимоий манфаатларни қўлаб, қолаверса оила аъзоларининг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш учун амалга оширилади. Шунинг учун ҳам оила кодексининг 19-моддасида «Эр-хотин оилада тенг ҳуқуқли ва тенг бурчлидирлар» деб ёзиб қўйилган.

— Оила мустаҳкамлигининг асослари ҳақида нималар дея оласиз?

— Юқориди ҳамманинг бахтли бўлиши ҳақида сўзладин-

эса тарихга назар солишимизга тўғри келади. Оила — Шарқда қадимдан муқаддас саналган. Сабаби, инсонда нимаки яхши фазилатлар бор бўлса улар оилада шаклланди. Бунга мисол қилиб дунё тараққиётида буюк ўзгаришлар қилган Соҳибқирон Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Бурхониддин Марғиноний, Хожа Аҳмад Яссавийларни тилга олишимиз мумкин. Уларнинг ҳаммаси оилада ўсиб улғайганлар. Оиланинг энг яхши аънавларини ўз ҳаёт йўлларида мужассам қилганлар. Халқимизнинг миллий қадриятларининг бир қисми ўзбек оилаларидаги

рак. Шундай қилиш лозимки, эсини таниган ўсмирнинг биронта саволи жавобсиз қолмасин. Жавоб бўлганда ҳам уни тўлалигича қониқтирсин.

Оила — барча қадрий меросимизнинг ўчоғидир. Бу ўчоқда жуда кўп сир-асрор мавжуд. Уларнинг бири муҳаббатдир. Кўпчилик бола тарбиясида каттиққўллик, вазминлик бўлса бас дейишди. Иккала ҳислатнинг бор бўлгани яхши. Лекин уларга омухта бўлиб муҳаббатнинг барқ уриб тургани унданда яхши. Шундай қилиш кераки, бола ота-онанинг муҳаббати қанчалар бебаҳо эканлигини вужуди билан ҳис этсин. Дўстлик эса муҳаббатнинг меваларини ширин қилади.

Халқимизда бир макол бор: «Болага этти ёшгача кўл бўлинг, етти ёшдан ўн етти ёшгача унга хожа бўлинг, ўн етти ёшдан бошлаб дўст бўлинг». Агар бу нақлни шарҳлайдиган бўлсак, тарбиянинг муҳим бир қирралари намён бўлади. Бола эсини танигунча унинг дилгига озор бериш яхши натижалар бермайди. У эсини таниган то камолга етгунча болага вақтини бекор ўтказиш имконини бериш керак эмас. Шундай қилиш кераки, у бир лаҳза ҳам бўш қолмасин ҳаммаша фойдали иш билан шугуллансин, доимий назоратда бўлсин. Камолга етгач эса ота ва онадан бемаслаҳат ботир ишга кўл урмасин. Доимо ота-онанинг ҳаётдаги биринчи дўст эканлигини сезиб турсин. Ана шундагина фарзандларимиз орномусли, муҳаббатли, имонли бўлиб улғайдилар. Комил инсон эса юртимизнинг суяч тоғига айланади.

Оила — ҳамма яхшиликнинг ўчоғи, бахт кўрғони экан, нега етук оилалардан нобок қишлар чиқиб қолади. Бу масала кўпларни қизиқтириб қолади. Ҳамма нарса киши ўз олдига буюк мақсадлар қўйиши билан изоҳланади. Одамда ана шу буюк гоғлар ҳаёт билан уйғун бўлиши учун унда маънавият, маданият каби фазилатлар ҳам бўлиши керак. Инсон қанчалар улғайгани сари, тириклик қадрини шунчалар кўпроқ билиб, қадрлаши, шунга яраша фидойилик кўрсатиши зарур. Кишида олижаноб ҳис-туйғулар болаликдан уйғонган, камол топади. Шунинг учун ҳам оилада китобхонлик, сабр-қаноат, ҳар бир мавжудотга ва воқеага ҳолис назар ташлашнинг тарбия топиши ниҳоятда муҳимдир.

Юқориди ота-онанинг бурчларини ҳақида сўз юртиндик. Ота-она то тирик экан, у фарзанди учун суяч тоғидир. Оила эса муқаддас кўрғон сифатида фарзанднинг эзгуликка тўла маскани бўлиб қолади.

Инсон ўз-ўзининг яратувчиси. Узининг кимлигини англаб етган ҳар бир шахс ўз бахтининг ижодкорлигига айланади.

Сухбатдош
Шахло ҲОШИМОВА

Мусоҳаба

ОИЛА — БАХТ
ҚЎРҒОНИ
УНИ АСРАШ
БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Ўз уйига, ўз оиласига муҳаббат ва садоқат кўрсатиш, уни ҳар томонлама асраб-авайлаш ўзбек халқининг энг улғу қадриятларидан биридир. Бу бежиз эмас. Чунки оила инсон камол топадиган энг улкан тарбия ўчоғи, урф-одатларимизнинг бебаҳо хазинасидир. Оила фарзандлар камолида муҳим ўрин тутадиган тарбия мактабидир. Мана шунинг учун ҳам ёш авлодди тарбиялашда, унинг соғлигини мустаҳкамлашда, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан таъмин этишда у муҳим аҳамият касб этади.

гиз, агар таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, оила бузилиши моддий таъминланишга кўп ҳам боғлиқ эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз. Назаримизда бу ҳол эр-хотинларнинг оила олдиди бурчларини тан олмаслиқдан, ўзини масъулиятдан олиб қочишдан келиб чиқади. Агар эътибор берадиган бўлсак, меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганларнинг аксарияти ота-онаси бор бола-лар. Демак, оила мустаҳкамлигининг нафакат моддий, балки маънавий, ҳуқуқий, миллий асослари ҳам бор.

Ҳуқуқий асослар деганда давлатимизнинг оила ҳақидаги қонунларини назарда тутмоқ керак. Ушбу қонунларнинг ҳар бир моддасида оила — жамиятимизнинг пойдевори эканлиги ҳақида сўз боради. Уларга амал қилиш эса ҳар бир оила бошлигининг бурчи бўлиб қолиши керак.

Маънавий асослари деганда оиланинг ўз аънавларида содиқлигига эътибор қаратиш керак. Эру хотиннинг вафодорлиги, ҳамкорлиги, «сув келса сийририб, тош келса кимириб» оиланинг мустаҳкамлигини ўйлаши, тежамкорлик, сингари ҳислатлар деярли ҳар бир ўзбек оиласига ҳосидир. Демак, мана шундай мактаб бўладиган ибратларни камол топтириш зарур.

Миллий асослар деганда

ўзаро муносабатларга узвий боғланиб кетган. Келин-куёвни гулхан атрофида айлантчириш, келин салом, келин кўрди, куёв чакирди каби маросимлар сўзимизни тасдиқлаб турибди. Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, шахсинг шаклланиши оилавий омилга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

— Фарида опа, оила бошлиқлари қанчалар яхши бўлмасинлар, гоҳида ўғил ёки қизларнинг табиати дейимизи, характери дейимизи бошқачароқ бўлиб улғайди. Бунни қандай изоҳлайсиз?

— Кўп нарса аёлга боғлиқ демоқчиси-да. Бунни изоҳлаш учун қисқа муддатли суҳбат кифоя қилмайди. Донишмандлар айтгани бўйича «Яхши фарзандлар — бахтли қарилгимиздир, ёмон фарзандлар эса қариганди бахтсизлигимиздир». Боланинг характери ёки табиати ўзгариши албатта ташқи муҳитга ҳам боғлиқ бўлади. Бола эсини танигач, ўз хонадонини ва ташқи муҳитни бир-бирига солиштириб бошлайди. Мана шу лаҳзадан бошлаб унинг табиати ўзгара бошлайди десак янглишмаймиз. Нега фалончи яхши яшайди, нега биз унча-бир ўзбек оиласига ҳосидир. Демак, мана шундай мактаб бўладиган ибратларни камол топтириш зарур.

Спорт

**ЁШЛАРИМИЗ
МАҲОРАТ
КЎРСАТИШДИ**

Таиланддаги Чиангмай шаҳрида оғир атлетика бўйича Осиё биринчилиги баҳслари бўлиб ўтди. Унда 26 мамлатда вакиллари галаба учун кураш олиб боришди.

Юртимиз оғир атлетикачилари ўзларининг юксак маҳоратлари билан мутахассису мухлисларни лол қолдирган ҳолда олтитадан кумуш ва бронза нишонларини кўлга киритишди.

Усмирлар ўртасида ҳамюртимиз Ақобир Усмонов 62 килограммгача вазнда силтаб кўтариш, даст кўтариш машқлари ва иккикураш бўйича учта кумуш медални кўлга киритишга муваффақ бўлди.

Фурқат Саидов эса 85 килограммгача бўлган вазнда иккикураш натижаларига кўра 302,5 килограммлик оғирликни забт этган ҳолда яна бир катта кумуш медал соҳиб бўлди.

77 килограммгача вазнда куч синашган ўзбекистонлик оғир атлетикачи Саламат Нуруллаев даст кўтаришда кумуш, силтаб кўтариш ва иккикураш натижаларига кўра бронза нишонларини кўлга киритган ҳолда мамлакатимиз спортчилари муваффақиятига ўзининг салмоқли хиссасини қўшди.

Вачеслав Тен эса 105 килограммгача вазнда ишторик этиб, умумий ҳисобда 295 килограммлик штангани забт этгани ҳолда учта бронза медалларига эга бўлди.

Ушбу натижалар терма жамоамизга умумий ҳисобда хитойлик спортчилардан бир оз ортда қолган ҳолда иккинчи ўринни эгаллашлари учун замин яратди. Майдон эгалари — таиландлик оғир атлетикачилар эса учинчи бўлишди.

**ЎҚУВЧИЛАР
БЕЛЛАШИШДИ**

Акмал Икромов туманидаги мактабларнинг 5-6-синф ўқувчилари ўртасида «Экология ва спорт» номли мусобақалар ташкил этилди.

Кизиқарли беллашувлар остида ўтган турнирда 75, 107, 193, 238 ва 116-мактаблар ўқувчилари айрим спорт турлари бўйича галаба қозониб, ташкилотчилар томонидан ажратилган мукофотларга сазовор бўлишди.

(Ўз мухбиримиз)

Халқлар Дўстлиги орденли Беруний номидаги Тошкент политехника институти томонидан 1989 йили Турсунов Камолхон Абдуллаевич номига берилган Р3№854811 рақамли диплом йўлқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими, катта мутахассис Умеджон Барноевнинг падари бузруквор

ИСО ОТАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуккур таъзия изҳор этади.

Қайғулар

**ПЎСТЛОҚ
ВА РАНДА**

Ранда ҳовлига ташлаб кўйилган тўсинларнинг пўстлогини шилишга тўшди.

— Иморат учун тўсин берган терак дарахтининг навқирон бўлиб ўсиши учун кўп заҳмат чеккан эдик. Холимиз шуми энди? — лабарини қовжиратиб бир-бирига боқадди пўстлоқлар. — Яхшиликка ёмонликми, а?!

— Утқулардан эсанкираб, ҳушёрликни унутганисан шекилли, тўсинларни галвир қилишга киришган қуртларга панохингиздан жой берибсиз. Шу боис сизни

тўсиндан ажратиб ишлаяпман, — деди ранда.

Ҳушёрсизлик ўзингга панд беради.

МАНМАНЛИК

— Сенлар билан бирга яшашга уялам, — деди каттароқ тош ва майда тошлардан сурилиб, сурилиб қатнов йўлга чиқиб олди. Энди ўзидан мамнун. Кўрган кўзаларга кўримли ва танҳо.

Мамнунлиги узоққа бормади. Йўл юрганники, нари тур, деб уни ўтган ҳам тепиб ўта бошлади, кетган ҳам. Бир кун шошилиб кетаётиб бақувват ўспирин бехосдан унга қоқилиб йиқилди. Кўчини йиғди ўрнидан турди-да тошни даст кўтариб, қўздан наридаги пасткам жойга улқотирди.

— Биздан ажраб ўзига ўзи қилди, — деди

тўладаги тошлардан бири. — Ҳазимат жа катта кетворувди-да...

ДАРАХТ

Дарахт улгайиб ҳосилга кирди. Атрофда тирик жон борки, унга гиргиттон. Мақтовлар эвазига хиёл димоғланиб:

— Менсиз хунук дамг эдинг. На баҳор баҳорлигини қиларди. Кўз кузлигини...

— Фаслларнинг чиройини ўзим кўз-кўз қиляпман, — деб қолди ерга.

— Шунчалик бўлганингда пойингда туну кун сенга бераётган меҳримини унутдингми? Фақат кўкка эмас, мулоҳаза билан пойингга ҳам боқини унутма, — деди Ер.

Гани АБДУЛЛАЕВ

Грипп ва бошқа ўткир респиратор вирусли инфекциялар (УРВИ) энг кенг тарқалган юқумли касалликлар сирасига киради. Грипп ўткир, тез юқувчи касаллик бўлиб, уни жуда майда, кўзга кўринмайдиган, хатто филтрдан ҳам ўтувчи вируслар қақиради. Касаллик ҳаво томчи йўли билан ўтади. Бемор йўталганда, ақсирганда, гаплашганда сўлак томчилари билан ҳавога кўплаб грипп вирусларини ажратади.

Саломатлик

**ГРИППДАН
ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ**

Гриппнинг инкубацион даври 12 соатдан 3 кунгача давом этади. Вируслар ҳавода уч соатгача сақланиб туриши мумкин. Грипп вирус ифосланган ҳаводан нафас олиш натижасида касал одамдан соғлом одамга юқадди.

Грипп вирус оғиз, бурун, томоқ ва юқори нафас йўллари шиллик пардасига тасвир этади ва қон оқимига тушиб бугун организмни заҳарлайди. Нафас, асаб, юрак-қон томир тизими ва бошқа аъзоларга шикаст етказиши. Касаллик шиддат билан бошланади. Беморнинг тинкаси қурийдди, боши оғрийди, йўталди, ақса уради, тана ҳарорати 38-40° даражагача кўтарилди, кўп терлайди, мушаклари ва кўз олмазида оғриқ пайдо бўлади, кўздан ёш оқади.

Касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлганда зудлик билан врачга мурожаат қилиш лозим. Акс ҳолда грипп оғир асоратлар қолдириши мумкин (ўткир зотилжам, бронхит, миелит, полиневрит, синусит, отит, миоркадин). Беморга алоҳида идиш, сочиқ, ўрин-қўрпа ажратилиши лозим, унга қараётганлар бурун ва оғизларини ниқоб билан тўсишлари зарур бўлади. Қўлларини тез-тез совунаб туришлари керак. Бемор ётган хонани тез-тез шамоллатиш ва зарарсизлантирувчи моддалар билан артиб туриш лозим. Беморларнинг ҳароратлари ошган пайтда уларга кўпроқ суюқлик-қуруқ мевалар қайнатмаси, мева шарбатларини ичириш лозим.

Грипп касаллигидан сақланиш учун: кўчага чиқиш олдида бурунга оксалин мазидан сурқаш, ремантадин таблеткасидан кунига 2 маҳал ичиш ҳамда интерферон суюқлигидан бурунга томизиш, тоза ҳавода кўпроқ юриш,

совуқ қотмаслик, одамлар кўп йиғилган жойларга (театр, бозор, кино, ҳар хил йиғинлар, жамоатчилик транспорти) боришни иккинчи даражада қисқартириш тавсия этилади. Ўқув ва тарбия муассасаларида грипп билан оғриган ва унга гумон қилинган беморларни алоҳидалаш учун филтрлар ташкил қилиш, хоналарни, айникса ётиш хоналари ва синфларни тез-тез шамоллатиб туриш ва зарарсизлантирувчи моддалар билан артиб чиқиш зарур.

Грипп тарқалган даврда мактабгача тарбия муассасаларида болаларни кундалик эрталабки термометриядан ўтказиш керак. Соғлом организмларнинг гриппга қарши курашиш қобилиятини ошириш учун, витаминларга бой бўлган таомларни истеъмол қилмоқ зарур.

Гриппдан сақланишнинг энг ишончли йўли-вакцинопрофилактика.

Гриппга қарши «Инфлювак» вакцинаси ҳимояловчи самарали воситадир. Ушбу вакцина бир вақтнинг ўзига грипп вирусининг 3 хилдан ҳимоя қилади. Кузатишлар шунга кўрсатадики, эмлаш 53 фоиз ҳолатларда пневмония (зотилжам) касаллигининг олдини олади, 50 фоиз ҳолатда беморлар шифохоналарга етказилмайди.

«Инфлювак» вакцинаси 6 ойлик болалар, катталар, ҳаттоки ҳимояловдор аёллар учун гриппнинг олдини олиш мақсадида қўланилади. Вакцинопрофилактика хавфли гуруҳга кирувчи кишилар учун муҳим ҳаётий аҳамиятта эгадир.

Н.ЎТҚУЛЛАЕВА,
Чилонзор тумани Давлат санитария эпидемиология назорати маркази эпидемиология бўлими мудир.

Кўрғазмалар

«КУЗ ТАРОВАТИ»

Инсон ички кечинмалари, ўй-фикрларини ифода этиш учун ижодга мурожаат этади. Тўйгуларини жамлаб, уни зоҳир этиш эса истеъдоднинг ёрқин-қирраларини намойиш қилиш билан тенгдир. Айникса, умр бўйи гўзалликдан илҳомланиб яшаган, ҳиссиётларга бой инсонлар орамизда кўлдир.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўрғазмалар залида Салима Абдураззоқованин «Куз таровати» деб номланган шахсий кўрғазмаси очилди.

Салима Абдураззоқова 1933 йили Фарғона водийида туғилган. Кейинчалик Тошкент Давлат университетини (Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг шарқшунослик факультетини тугатган. Унинг расом бўлиб етишишида ўсиб-ўлғайган гўзал водий заминининг таъсири катта бўлган. Шарқшунослик фанларини пухта эгаллаган Салима Абдураззоқованин кейинчалик шарқ санъати, айнан рангтавсирга қизиқиб қолиши унчалик ажабланарли эмас. Чунки шарқнинг кўп асрлик тарихга эга бўлган мини-

атюра рангтавсир санъати ва шарқ поэзияси ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Бундан ташқари Салима Абдураззоқова Ўзбекистон халқ амалии санъати музейида 16 йил давомида ишлар экан, уни санъатнинг сеҳрли олами чорлаган бўлиши ҳам табиий.

Мазкур кўрғазмада намойиш этилаётган асарлар расомнинг узок йиллар давомида тинимсиз изланишларининг маҳсулидир. Экспозициядаги ишлар унинг қизиқишлари кўп қиррали эканигидан далолат беради. Улар орасида миниатюра асосида ишланган композициялар ҳам бор.

Ушбу кўрғазма муаллифнинг иккинчи шахсий кўрғазмасидир.

Дилдора ТОЛИПОВА

Қаҳ қаҳ

Радио тўлкинларини кашф қилган Генрих Герц мактабда ўқиб юрганида чилангарлик ишига астойдил қизиқаркан. Бир неча йил ўтган, муаллим унинг тақдири билан қизиқиб сўраганида дўстлари:

— Э, у машхур физик бўлиб кетган, — дейишибди.

— Афсус, ажайиб чилангар бўлиши мумкин эди, — деган экан муаллима.

Бир куни Суворовдан жангларда неча марта ярадор бўлганини сўрашди.


— Ўттиз икки марта, — жавоб берди қўмондон, — икки марта урушда ўқ теккан, ўн икки марта уйда пайраҳадан озор чекканман, йигирма марта Петербург саройида сўз билан жароҳатлашган.

Инглиз ёзувчиси Энтони Троллоп бутун ҳаёти давомида кирк еттига роман ёзган экан. Ундан:

— Энг яхши асарингиз қайси? — деб сўрашганларида Троллоп:

— Почта қутиси, — деб жавоб берибди.

Чунки бу ёзувчи Англия почтасининг бош директори ўринбосарлиги вақтида почта қутисини ўйлаб топган экан.



Сўзсиз расм.

Абдурашул Ҳакимов чизган расм.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳоқимлиги

**Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНААР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09

Ҳажми — 2 босма таъриф офсет усулида босилган.
2812 нусхада босилди. Қоғоз биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Нашрият қозиб бериш масалаларини бўйича турар жойларга почта бўлимига еки «Тошкент почтамитига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.